Majburiy bepul nusxa
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
25 декабрь
ШАНБА

№ 103
(12.323)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

СОМОНДАН ОҚ ҚОҒОЗ

"Гренленд-транс-сервис" масъулияти чекланган жамияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Корхона Янгийўл туманидаги "Халқобод" қишлоғида оддий сомондан қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Айни пайтда қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилаётир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тобора ривожланаётгани мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида соҳаларнинг изчил ривожи учун кенг шарт-шароит яратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тармоққа замонавий минитехнологияларни жорий этиш тадбиркорлик ва фермерликнинг истиқболли йўналишларидандир. Бу эса қишлоққа саноатни олиб кириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

– Тўлиқ хориж технологияси асосида жиҳозланган корхонада бир кунда 3-4 тоннагача гигиеник қоғоз ва қоғоз хом ашёси ишлаб чиқарилади, – дейди "Гренленд-транс-сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дониёр Самандаров. – Кейинчалик бу ерда айнан шу маҳсулотдан оқ қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Янги корхона иш бошлаши билан 50 киши доимий иш жойига эга бўлади.

СУРАТДА: хитойлик мутахассислар Жанг Шоужун, Ванг Минглай ва (ўртада) корхона раҳбари Дониёр Самандаров.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2011 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2011 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь.

АХБОРОТ СОҲАСИГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА КЎПРОҚ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмиталарининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлиб ўтган қўшма мажлисида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан ижро этилишини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий қилиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурлари Тошкент вилоятида ижро этилишининг боришини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли жамиятни барпо этиш – устувор мақсадимиздир" номли маърузаларининг тобора кенгайиб бораётган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси янада ривожланишини, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишга доир асосий қоидалари ва хулосаларини рўёбга чиқариш мақсадида ўрганилди.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги ҳамда "Муаллифлик ҳуқуқи

(Давоми 2-бетда).

Чиноздаги 5-қиз болалар учун ёпиқ турдаги махсус мактаб-интернатда вилоят ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича махсус комиссия аъзолари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

ТАРБИЯГА МУҲТОЖЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасидаги тадбирлардан бири сифатида бу мулоқот эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида маънавий кемтиклик жабрини тортаётган қизларнинг дунёқараши ижобий томонга ўзгаришига туртки бўлди. Уч йил давомида бу даргоҳда тарбияланаётган қизларнинг 25 нафари ўз оиласи, синфдошлари сафига қайтди. Ҳозирги кунда 24 ўқитувчи, тарбиячи, руҳшунос, шифокор эътибори ва қузатувидаги 25 қиз соғлом турмуш сабоқларидан баҳраманд бўлмоқда.

Саида РАҲМОНОВА.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

НАЗОРАТ ЯНАДА КУЧАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан шу йилнинг 15 декабридан 2011 йилнинг 15 январига қадар ўтказилаётган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"да вилоят ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчи ва пиёдалар ўртасида ҳаракат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда қоидабузарликларни аниқлаш мақсадида ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси алоҳида иш режасини ишлаб чиқди. Унга асосан, ички ишлар идоралари ходимларига кенг жамоатчиликни тадбирга жалб қилган ҳолда ҳайдовчи ва пиёдалар ўртасида ҳаракат интизомини кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари, оқибатлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш вазифалари аниқ белгиланди.

Шаҳар ва туман ҳокимликларидаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияларида "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги" бўйича бирлашма, ташкилот, идора ва автохўжалик раҳбарлари иштирокида амалга оширилаётган ишлар ҳақида йиғилишлар ўтказилмоқда.

Тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида тузилган 23 та махсус гуруҳдаги вилоят "Автомотоҳаваскорлар" кўнгилли жамияти, халқ таълими бошқармаси ходимлари ва маҳаллий ҳокимликлар вакиллари ИИБ ходимлари билан бирга тушунтириш ишлари олиб боришяпти. Жумладан, "Маҳалла" жамғармаси фаоллари иштирокида маҳаллаларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора ва йўл-йўриқлари тушунтирилмоқда.

Ойлик давомида йўл ҳаракати қатнашчилари, айниқса, пиёдаларнинг ҳаракат қоидаларига риоя этишлари устидан назорат янада кучайтирилди.

Вилоятдаги 32 та корхона, ташкилот ва автохўжаликларда транспорт воситаларининг сақланиши, ularга техник хизмат кўрсатиш, йўлга чиқиш олдидан ҳолатини текшириш, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари ўрганиб чиқилди.

"Ўзавтойўл" концерни, "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда 124 темир йўл кесишмаларидан 25 таси, 86,5 километр автомобиль йўллари кўрикдан ўтказилди. Тегишли ташкилотларга йўллар ва йўл иншоотларининг ҳолати юзасидан 9 та таклиф ва 2 та тақдимнома жўнатилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларини содир этиб, воқеа жойидан кетиб қолган ҳайдовчиларни қидириш бўйича, шунингдек, ўғирланган транспорт воситаларини аниқлаш мақсадида автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган 14 та устахона ҳамда машиналар сақланадиган 11 та майдончада текширувлар ўтказилди.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,
вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Куни кеча "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари турли соҳаларда ишлаётган ёшларнинг ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини янада кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

ИҚТИДОРЛИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Ватанимиз шон-шуҳрати ҳамда халқаро нуфузини янада оширишга муносиб улуш қўшаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган 38 йигит-қиз бу йил "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиз вакили Юлдузхон Мирсамадова ҳам бор.

– 15 ёшимдан турли танловлар, халқаро фестивалларда фаол иштирок этиб, ғолиб бўлиб келмоқдаман, – дейди Юлдузхон. – Жумладан, "Янги авлод" республика болалар ижодиёти фестивали, "Келажак овози" танлови, айниқса, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалидаги иштироким жаҳон мусиқа оламига сайр қилишимда ўзига хос пиллапоя бўлди, деб ўйлайман. Устоз ва мураббийларим ёрдамида 2008 йилда бир йўла иккита халқаро фестивалда қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Аввалига Москвада, сўнгра эса Франция ва Португалияда ўтказилган фестиваллар таассуротларга бой бўлди. Ўтган йили Украинанинг Симферополь шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда Гран-прини қўлга киритдим. "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонини олиш менга ҳам насиб этди. Ушбу нишонни олишим ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалардан бири бўлди.

Мен эришган ютуқлар юртимизда навқирон авлод тарбиясига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётгани самарадир.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

АЁЛ ВА ҲУҚУҚ

«ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА РАҲБАР АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ»

Чирчиқ шаҳрида шу мавзуда бўлиб ўтган семинар Юртбошимизнинг мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари асосида ташкил этилди. Бу жараёндаги раҳбар аёлларнинг ўрни, ҳуқуқ ва бурчлари, вазифалари ҳақида атрофлича тушунча берилди.

Тадбирда иштирок этган чирчиқлик тадбиркор, ишбилармон ва бошқа турли касбдаги раҳбар аёллар семинар мавзусида қизғин баҳс-мунозара юритдилар, ўзларини қизиқтирган саволларни ўртага ташлашди.

Мулоқотда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, "Соғлом она – соғлом бола", оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар замирида инсонни, аввало, аёлни улуғлаш мақсади кўзланганлиги, бунга жавобан, аёллар ҳам жамият ҳаётида фаол бўлишлари, тинимсиз изланиб, ҳуқуқий саводхонликларини оширишлари зарурлиги таъкидланди. Тадбир якунида "Қадриятлар бешигисан, маҳаллам" бадиий дастури намойиш этилди.

Семинар ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

2011 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – 205.

Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими Чоштепа қишлоғидаги 32-мактабда ва "Навоий" агрофирмасида юқори синф ўқувчилари ҳамда туғиш ёшидаги аёллар учун семинарлар ўтказди.

Унда аҳоли саломатлигини сақлаш, ОИТС ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича маърузалар тингланди.

Семинарда маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллари иштирок этиб, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишнинг аҳамиятини таъкидлашди.

Саид АСҚАРОВ.

ЙИЛИГА ЎН МИЛЛИОН ТЕЖАМ

Зангиота туманидаги "Milk-Agro" наслчилик фермасида янги агрегат ўғитни қайта ишлаб, калий билан бойитмоқда.

Бу жараёнда хўжалик эҳтиёжи учун биогаз ва электр қуввати ҳосил қилинаётир. Ишлаб чиқаришни шу тариқа модернизациялаш йилига 10 миллион сўм маблағни тежаш имконини беради.

Маҳамадомон ДАМИНОВ.

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВ

Халқоддаги футбол мактаб-интернатида рус тили ойлиги ўтказилиши муносабати билан тадбир уюштирилди.

Ўқувчилар эгаллаган билимларини ёд олган қўшиқ ва шеърлари, рус миллий эртаклари асосида театрлаштирилган кичик саҳна кўринишларини моҳирона ижро этиш орқали намойиш қилдилар.

Шунингдек, ўқувчилар деворий газета тайёрлаш ва расм чизиш бўйича ҳам беллашдилар.

6-А синф ўқувчилари мазмунли деворий газеталари билан биринчи ўринни қўлга киритишди. Расм чизишда 7-синф ўқувчилари ғолиб бўлишди.

Ирода НОРБОЕВА.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

АМАЛИЁТЧИ ТАЛАБАЛАР УЧУН

Вилоят педагогика коллежида педагогик амалиётни ўтовчи талабалар учун "Экологик тарбия" мавзусига бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди.

Низомий номидаги Тошкент педагогика университети профессор-ўқитувчилари ҳамда эколог мутахассислар ташкил этган семинарда ёшларнинг экологик билимларини ўстириш, тарбия жараёнида ёшларда атроф-муҳитни тоза сақлаш, табиатга ҳурмат кўникмаларини шакллантириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Семинар якунларига мувофиқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

АХБОРОТ СОҲАСИГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА КЎПРОҚ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли талабларини ижро этиш, Тошкент вилоятида эса илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий этиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини бажариш юзасидан муайян ишлар олиб борилган.

Чунончи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 6 июлда тасдиқлаган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йилларга мўлжалланган дастури ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мунтазам иш олиб борилмоқда. Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари реестри ташкил этилган бўлиб, унда 187 та ахборот ресурси рўйхатга олинган. Интернет халқаро ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида халқаро оптик толали телекоммуникация тармоғига уланиш йўналишларининг сони олтитага етказилди. Интернетдан фойдаланувчи фуқаролар сони 6,6 миллион нафардан ортди, интернет халқаро тармоғида хизматлар кўрсатаётган операторлар ва провайдерларнинг умумий сони эса 965 тага етган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда дастурий маҳсулот чиқарадиган 230 га яқин корхона ва ташкилот ишлаб турибди, 264 номда дастурий маҳсулот рўйхатга олинган ва ишлаб чиқарилмоқда. Тегишли лицензияга эга бўлган қариб 970 та юридик шахс маълумотлар узатиш тармоғида хизматлар кўрсатмоқда. Давлат органлари томонидан 114 та веб-сайт ташкил этилган. Домен зонасида ишлаётган веб-сайтлар сони бугунги кунда 10670 тадан ортиқ. Миллий ахборот маконида узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш мақсадида "ZiyoNet" тармоғи яратилган бўлиб, унга 11305 та таълим муассасасининг 10670 таси уланган.

"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилган, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномаларнинг ижро этилиши мониторинг қилинмоқда. Бугунги кунга келиб 3269 та адабий ва илмий асарлар объекти ҳамда санъат асари, шунингдек, турдош ҳуқуқлар рўйхатга олинган. 2008-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги билан муаллифларнинг меросхўрлари ўртасида уларнинг мулкий ҳуқуқларини коллектив асосда бошқариш тўғрисида 23 та шартнома тузилган. Шу даврда муаллифлик шартномаси институтининг моҳиятини тарғиб қилиш ҳамда аҳолига, шу жумладан ижодий меҳнат билан шуғулланувчи муаллифларга юридик маслаҳатлар бериш мақсадида 150 дан ортиқ семинар, конференция ва давра суҳбати ўтказилди.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий этиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти ҳокимининг 2005 йил 5 августдаги Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш дастурини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Ҳозирги кунда вилоятда 55 та оммавий ахборот воситаси чоп этилаётган бўлиб, шунинг 22 таси нодавлат секторга мансубдир.

Шу билан бирга, масалани кўриб чиқиш асосида сенаторлар ва юқорида номлари келтирилган агентликлар ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши вакиллари юқоридаги қонунларнинг талаблари ижро этилишини таъминлаш ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, мавжуд куч, маблағ ва ресурсларни илғор ахборот-коммуникация технологияларини пойтахт вилоятининг медиа маконига жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада кучайтириш зарурлигига қаратдилар. Мажлисда ахборот соҳасига бозор механизмларини янада кўпроқ жорий этиш, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан бир қатор тавсиялар ҳам берилди.

Муҳокама якунлари бўйича қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Қўшма мажлис ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарлари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

ЎзА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА БОРМОҚЧИ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. Миграция варақасини олиш

Россия Федерациясига бормоқчи бўлган фуқаролар мамлакат ҳудудига "кириш" масканларида хорижий фуқароларга вақтинчалик бўлиш ҳуқуқини берувчи миграция варақасини олиб, уни тўлдиришлари шарт. Миграция варақалари чегара қўшинлари ходимлари томонидан бепул берилади, рус тилида тўлдирилади, агар фуқаро рус тилини билмаса миграция варақаси (ҳужжатда кўрсатилганидек) лотин ёзувида тўлдирилиши мумкин.

2. Яшаш жойида қайддан ўтишнинг мажбурийлиги

Ёдингизда тутинг, Россия Федерациясида вақтинча яшовчи хорижий фуқаролар, вақтинча яшаш жойига етиб келганларидан сўнг 3 иш куни ичида, Россия Федерал Миграция хизмати (ФМХ)нинг ҳудудий идораларига вақтинча яшаш жойига келганликлари ҳақида хабар беришлари шарт.

Россия Федерациясига уч кундан ортиқ бўлмаган муддатга келган хорижий фуқаролар вақтинча яшаш жойлари бўйича қайддан ўтказилмайдилар.

Қайддан ўтиш ва қайддан чиқариш бўйича барча ҳаракатлар қабул қилувчи тараф зиммасига юкланади.

Бўлиш жойида қайддан ўтиш учун фуқаро қабул қилувчи томонга шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ва миграция варақасини тақдим этиши лозим. Қабул қилувчи томон сифатида исталган жисмоний ёки юридик шахс (Россия фуқароси ёки ташкилот) бўлиши мумкин.

Қабул қилувчи тараф, келганлиги тўғрисида хабарнома варақасини тўлдиради ва келган кундан бошлаб уч иш куни ичида тўлдирилган варақани ҳудудий ФМХ идорасига ёки туроржойдаги почта алоқаси бўлимига тақдим этади.

Агар қабул қилувчи тараф узрли сабабларга кўра, қайддан ўтиш ҳақидаги хабарномани тақдим этмаса, ушбу хабарнома бевосита фуқаронинг ўзидан қабул қилиниши мумкин.

Етиб келганлиги тўғрисидаги хабарномани қабул қилган Россия ФМХнинг ҳудудий идораси ёки почта алоқаси бўлими уни тўғри тўлдирилганини текширади ва дарҳол варақанинг қирқиб бериладиган қисмига қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тегишли белги қўйиб қайтариб беради. Мазкур белги фуқаронинг яшаш жойи бўйича қайддан ўтиши юзасидан ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқлайди.

Фуқаро Россиядан жўнаб кетаётганда, қабул қилувчи тараф томонидан хабарноманинг қирқиб бериладиган қисмини Россия ФМХнинг ҳудудий идорасига топшириши ёки почта орқали жўнатиши лозим.

3. Вақтинчалик яшашга рухсатнома олиш

Вақтинчалик яшашга рухсатнома олиш учун, фуқаро ҳудудий ФМХга мурожаат этиб, қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

1) вақтинчалик яшашга рухсатнома бериш тўғрисида ариза;

2) шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки фуқаролиги йўқ шахс гувоҳномаси);

3) Россия Федерациясига кирганлиги тўғрисида чегара назорати белгиси қўйилган миграция варақаси ёки Россия ФМХ ҳудудий идораси томонидан берилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган миграция варақаси;

4) вақтинчалик яшашга рухсатнома олиш учун 400 рубль миқдорида давлат божи тўланганлиги тўғрисида квитанция.

Вақтинчалик яшашга рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб, 30 кун ичида, Россия ФМХнинг ҳудудий идорасига атрофдагилар учун хавф туғдирадиган гиёҳвандлик, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС, ОИВ) ва бошқа юқумли касалликлар йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиш зарур.

Бундан ташқари, Россия Федерациясига кирган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида Россия ФМХнинг ҳудудий идорасига солиқ идорасида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этиш лозим.

Кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган муддатларда тақдим этилмаса, вақтинчалик яшашга рухсатнома берилмаслиги ёки аввал берилган рухсатнома бекор қилиниши мумкин.

Узрли сабабларга кўра, ҳужжатларни топшириш муддатлари бузилса, Россия ФМХнинг ҳудудий идорасига муддатларни узайтириш тўғрисида ёзма равишда ариза ва кўрсатилган сабабларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан мурожаат этиш зарур.

Вақтинчалик яшаш учун рухсатнома ариза қабул қилинган кундан бошлаб олтмиш кундан кечиктирмай берилади. Вақтинча яшаш учун рухсатнома беришга рад жавоби бўлса, бу ҳақида тегишли хабарнома топширилади.

4. Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиш

Вақтинчалик яшашга рухсатнома ёки яшаш гувоҳномаси олингандан сўнг, хорижий фуқаро етти иш куни ичида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши шарт. Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги ариза ҳар бир шахс учун алоҳида 2 нусхада тузилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризалари уларнинг номидан ота-онаси ёки қонуний вакиллари томонидан тақдим этилади. Рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги ариза билан бирга қуйидагилар топширилади:

а) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

б) яшаш гувоҳномаси ёки вақтинчалик яшаш учун берилган рухсатнома;

в) уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (шартнома, шахсий мулкка эга бўлиш тўғрисида гувоҳнома ёки бошқа ҳужжатлар) ва унинг ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;

г) давлат божини тўлаганлиги ҳақида ҳужжат.

Ҳужжатлар тўлиқ топширилмаса ёки уни тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилса, ҳужжатлар қайтариб берилади ва шахс рўйхатдан ўтказилмайди. Фуқаро, вақтинчалик яшаш учун берилган рухсатномада кўрсатилгандан ортиқ муддатга вақтинчалик рўйхатдан ўтказилмайди. Янги яшаш жойига вақтинча рўйхатдан ўтказиш, аввалги рўйхатдан ўтган жойидан қайддан чиқарилганидан сўнг амалга оширилади.

5. Яшаётганлигини тасдиқлаш тўғрисида хабар бериш

Россия Федерациясида вақтинча ёки доимий яшаётган хорижий фуқаро ҳар йили Россия ФМХ ҳудудий идорасига ўзининг шу ерда яшаётганлигини тасдиқловчи хабарнома тақдим этиши шарт.

Мазкур хабарномани, вақтинча ёки доимий яшовчи хорижий фуқаро яшашига рухсатнома олган кундан ёки аввалги хабарномани тақдим этган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг икки ой муддат ичида шахсан ўзи тақдим этади. Узрли сабаблар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлса, хабарнома кечиктириб топширилиши мумкин, лекин олти ойдан ошмаслиги лозим.

Хабарномага қуйидагилар илова этилади: даромадлар ҳақидаги маълумотнома, солиқ декларациясидан нусха ёки навбатдаги йил учун даромадлар миқдори ва манбаини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, агар икки ой муддатдан ўтиб кетса, узрли сабаблар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

Шуни ёдда тутиш лозим, хабарноманинг қабул қилинганлиги, ҳудудий ФМХ масъул ходими ёки федерал почта алоқаси хизмати ходими томонидан хабарномага ҳамда унинг хорижий фуқарода қоладиган, қирқиб бериладиган қисмига қўйилган имзоси билан тасдиқланади.

Агар қўшимча саволлар туғилса, туроржойингизга яқин бўлган Россия Федерал Миграция хизматининг ҳудудий идорасига мурожаат этишингиз мумкин.

Россияга доимий яшаш, 6 ойдан узоқ муддатга ўқиш ёки ишлашга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларида рўйхатдан ўтиш тавсия этилади.

Хорижий давлатларда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортларини алмаштириш ёки йўқотиб қўйган паспорт ўрнига янгисини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг ушбу давлатдаги консуллик муассасасига мурожаат этадилар. Хорижга вақтинча яшаш ёки ишлаш учун борганларга эса паспортларини йўқотиб қўйганларида ёки паспортларининг амал қилиш муддати тугаганда консуллик муассасалари томонидан ўрнатилган тартибда, Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси расмийлаштириб берилади.

Сизга нисбатан қонунбузарлик содир этилса, Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги Элчихонаси (109017, Москва, Погорельский тор кўчаси-12. Тел.: 230-00-54, 230-00-32, 230-13-01) ва Новосибирскдаги Ўзбекистон Республикасининг Бош Консулхонаси (630005, Новосибирск, Центральный р-н, Ломоносов-55-Б. Тел.: 246-04-85, 246-04-84)га хабар бериш ҳуқуқига эгасиз.

ФОЙДА СОЛИҒИДАН ИМТИЁЗ БОРМИ?

Корхона ишчиларининг маълум қисми ногирон бўлса, корхонага фойда солиғидан имтиёз жорий этилиши ҳақида эшитиб қолдим. Илтимос, шу ҳақда батафсил маълумот бермангиз.

Адҳамжон ТЕШАЕВ,
Қибрай тумани.

Нотижорат ташкилотлари ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар фойда солиғи тўламайди. Агар нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини юритиб, фойдага эга бўлса, ушбу солиқнинг тўловчисига айланади.

Фойда солиғидан қатор имтиёзлар белгиланган. Бугунги кунда кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар улардан самарали фойдаланмоқда. Хусусан, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчиларнинг камида 50 фоизи ногиронлар, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлган юридик шахслар фойда солиғи тўлашда бир қатор имтиёзларга эга бўлади. Шунингдек, корхоналарнинг протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан озод қилинади.

Ишловчиларнинг 3 фоиздан кўпроғи ногиронлар бўлган корхоналар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ушбу меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, корхоналарнинг экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига солиқ олинган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади.

Сирожиддин УМАРОВ,
вилоят давлат солиқ бошқармаси шўъба мудири.

Таҳририятга хат келди

АКС САДО

«БИЗГА ҚАРАШЛИ ЭМАС»

Таҳририятга "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Р. Мирзаев имзоси билан расмий хат келди. Унда жумладан шундай дейилади:

"Ўзбектуризм" миллий компанияси "Тошкент ҳақиқати" рўзномасининг 2010 йил 18 декабрдаги сонида чоп этилган Комилжон Хурсандовнинг "Сайёҳларнинг қадами узилмайди" номли мақоласи билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Мақоладаги "Ўзбектуризм" миллий компанияси ихтиёрида бўлган "Шодлик палас" меҳмонхонаси" деган жумла ҳақиқатга тўғри келмайди. "Шодлик палас" меҳмонхонаси "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг тасарруфида ҳам эмас ва унга қарашли ҳам эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирги кунда 250 дан ортиқ меҳмонхоналар хорижий ва маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Улардаги нархлар бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир меҳмонхона раҳбарияти томонидан мустақил белгиланади".

СОЛИҚЧИЛАР НЕ ДЕРКИН?

СЕРТИФИКАТЛИ КАСБ ЭМИШ...

Кўча-кўйда шиша идишлар сотиб олаётган, болаларни майда-чуйда ўйинчоқлар билан алдаётган бир йигитчадан сўрадим:

– Оғайни, тузукроқ иш билан шуғуллансанг бўлмайдими?

– Э, ако, бу бизга отамерос касб, сертификатимиз ҳам бор.

Жавобни эшитиб, ўйланиб қолдим. Агар бу чиндан ҳам касб бўлса, отамерос касбни давом эттираётган бу фуқаролар қанча даромад топишади-ю, солиқларни қаерга тўлашади?

"Сертификатли бундай касб эгаларини" назорат қилувчилар борми?

Ҳикматулла МАҲКАМОВ.

МУЛОҲАЗА

ИШОНЧНОМА КЕРАКМИ?

Яқинда бир муаммога дуч келдик. Пластик карточкамни ўғлимга бериб, коммунал тўловларни тўлашга жўнатдим. Бир маҳал у бўшашиб қайтиб келди. "Дада, ўзингиз бормасангиз бўлмас экан", деди. Мажбур бўлиб, ўзим бордим. Ваҳоланки, мен ўғлимга паспортимни ҳам бериб юборган эдим.

Бундай ҳолларда нима қилиш керак? Ё ишончнома ёзиб берган дурустмикан?

Мутасадди идоралар бу масалаларни яна бир бор ўрганиб, унга ижобий ечим топиб, янада қулайлик яратишса, яхши бўлар эди.

Рустам НУРМУҲАМЕДОВ,
Оҳангарон тумани.

ЯНГИЧА УДУММИ, ИЛЛАТМИ?

«ҚУДАНИКИГА ОШГА!»

Бир оғайним тўйга таклиф этиб, "эрталаб қуданикига ошга борамиз, ёдингдан кўтарилмасин", деб тайинлаб кетди. Айтилган куни оғайнимникига бордим. Не кўз билан кўрайки, унинг эшигида чамаси 200 дан ортиқ киши турар эди. Йиғилганларнинг ҳаммаси икки автобус, йигирмага яқин енгил машинага ўтириб, қуданикига йўл олдик. Тўйхонага етиб боргач, ўзимни жуда ноқулай сеза бошладим.

Сабаби қуда тараф 150 та жойни қудалар учун, деб ажратиб қўйган экан. Дўстимнинг таклиф этганлари эса 250 кишидан кам эмас эди. Қудалар саросимага тушиб, шошиб қолишди. Бир амаллаб жойлашдик. Ош ҳам базўр етди, шекилли.

Хуллас, қайтгач, дўстимни қуда томон берадиган ошга ҳам шунча одамни таклиф қиласанми, деб қойиган бўлдим.

Гапимга дўстим: "Нима қилибди, ўтган куни маҳалламиздаги ошга қуда томондан 300 дан ортиқ киши келди. Ҳозир удум шундайку", деб жавоб берди.

Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Бу удумларни ким ўйлаб топиб, татбиқ этаяпти? Ёки бу ҳам ким ўзарликнинг бир белгисими? Менимча, буларни ўйлаб кўрадиган, тартибга соладиган вақт келди.

Расулжон ШУКУРОВ,
Зангиота тумани.

МИННАТДОРЛИК

СОҒЛИҚҚА НИМА ЕТСИН!

Инсон бетоб бўлиб қолганда дунё кўзига тор кўринади. Яқинда соғлиғим безовта қилиб, туман шифохонасида даволанишга тўғри келди. У ерда жонлантириш бўлимига ётқизишди. Шифокор Илҳом Сатторов керакли дори-дармонларни қабул қилишимни жиддий назорат қилди.

Ўзимни яхши ҳис қилишим биланоқ терапия бўлимига ўтказишди. Рустам Тўхтабоев ва Тўлқин Руломов ҳам ўз ёрдамларини аямадилар. Айниқса, дорихонада ишловчи Фарида Бўриева менга керакли дориларни ўз вақтида етказиб турди. Шундай фидойи шифокор ва ҳамширалар борлигидан хурсанд бўлдим.

Сизлардан илтимосим соғлиғимни тиклашда ёрдам берган марказий шифохона бош шифокори Х. Ваҳобовга, шифокорлар Р. Тўхтабоев, Т. Руломов, ҳамширалар Абдулазизова, Иброҳимова, Расулжоновага, дорихона ходими Бўриева, тез ёрдам шифокори Н. Холмуродовга мен билан бирга даволанган беморлар номидан миннатдорчилигимизни етказсангиз.

Шоира ҚЎЗИЕВА.
Бўка шаҳри.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 25 январь соат 17.00 да очиқ тендер ўтказилади.

1. ВХ-450 й.т. "Гулчилик маҳалласи – Фарҳод бозори"
2. ВХ-426 й.т. "Ўртасарой маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
3. ВХ-381 й.т. "Паррандачилик фабрикаси – Қўйлиқ АШБ"
4. ВХ-427 й.т. "Авангард (Мустақиллик) маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
5. ВХ-429 й.т. "Дўстлик ф/у – Қўйлиқ АШБ"
6. ВХ-326 й.т. "Қўйлиқ АШБ – Олмалиқ АШБ" (Қўйлиқ томондан)
7. ВХ-249 й.т. "Олмалиқ АШБ – Бўка АШБ (Муротали орқали)"
8. ВХ-425 й.т. "А.Навоий ф/у – 134-разъезд – Қўйлиқ АШБ"
9. ВХ-586 "Олмазор қўрғони – Эшонобод ф/у"
10. ВХ-583 "Ниёзбош маҳалласи – Чилонзор ББ – С. Раҳимов АШБ"
11. ВХ-295 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Кескин қишлоғи"
12. ВХ-307 й.т. "Ниёзбош қишлоғи – Гулбаҳор қўрғони"
13. ВХ-352 "Дўстобод АШБ – Чиноз шаҳри"
14. ВХ-355 "Ҳамза ф/у – Қўйлиқ АШБ"
15. ШИ-19 й.т. "Ангрен АШБ – Янгиобод АШБ"
16. ШИ-20 й.т. "Кимёгар шаҳарчаси – Гагарин кўчаси"
17. Битта пакет билан:
ВХ-571 "Чирчиқ АББ – Белоножко АШБ (ТТЗ)"
ВХ-545 "Чирчиқ АББ – Ғазалкент АШБ (Енбек орқали)"
ВХ-570 "Чирчиқ АББ – Ғиштқўприк маҳалласи"
ВХ-574 й.т. "Чирчиқ АББ – Чилонзор буюм бозори"

Очиқ тендерда муклчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили:
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 х/р (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2011 йил 20 январь соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2011 йил 24 январь соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Аср ва Дунё

ЭКС-ДИКТАТОРГА УМРБОД ҚАМОҚ ЖАЗОСИ

AFP агентлиги Аргентинанинг собиқ диктатори Хорхе Видела умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилингани ҳақида хабар тарқатди. Кордоба шаҳар суди 85 ёшли экс-диктатор устидан шундай ҳукм чиқарди.

Хорхе Видела Аргентинада 1976-1983 йилларидаги "ифлос уруш" даврида инсониятга қарши қилинган жиноий хатти-ҳаракатларда айбланмоқда. Ушанда ҳокимият тепасида бўлган хунта ўзининг сиёсий мухолифларини таъқиб остига олиб, қириб юборган эди. Экс-диктатор 1976-1981 йилларда хунтани бошқарган.

Аргентинада ҳарбий диктатура етакчилари устидан тергов бошланган 1985 йилдаёқ Хорхе Видела қотиллик, одам ўғирлаш, қийнаш ва бошқа жиноятлари учун умрбод қамоқ жазосини олган эди. Бироқ, 1990 йилда мамлакат президенти Карлос Менемони авф этганди. 2007 йилга келиб Аргентина федерал суди Менемонинг фармонини ноконституциявий деб топди ва Видела 2010 йилда яна суднинг қора курсисига ўтирди.

ҚИРҚ ДАҚИҚАЛИК МАШҚ

Жанубий Кореяда бошланган ҳарбий машқлар бориўғи қирқ дақиқа давом этганлиги ҳақида AFP агентлиги хабар тарқатди.

Шимолий Корея чегарасидан 30 километр масофадаги Пхочхон шаҳри яқинида ўтказилган машқларга 800 га яқин ҳарбий хизматчи жалб этилди, 30 та танк, 11 та бронетранспортёр, 6 та қирувчи самолёт, 36 та артиллерия қуроллари, 7 та вертолёт ва бошқа ҳарбий техникалар иштирок этди. Associated Press агентлигининг маълум қилишича, бу 2010 йилда ўтказилган 47-машқ бўлиб, ўқ отиш ва бомба улоқтириш имкониятлари синовдан ўтказилди.

Жанубий Кореянинг КХДР билан муносабатлари кескинлашиб бораётгани боис бу ҳарбий машқларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир вақтда Жанубий Корея тўрт кунлик ҳарбий денгиз машқларини ҳам ўтказмоқда. Бу машқлар 22 декабрда бошланди.

НИГОҲ

ТОЖИКЧА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Бешта ҳафталик нашр – "Пайкон", "Озодагон", "СССР", "Миллат боргоҳи" ва "Сухан"ни босиб чиқаришни тўхтатиш тўғрисидаги қарор атрофида катта жанжал кўтарилди. Нима сабабдан бундай қилинганига ҳамон аниқ-тайин жавоб йўқ. Фақат тахмин қилиш мумкинки, юқоридаги нашрлар расмий мансабдорлар йўлини кесиб ўтган қора мушукнинг ҳолатига тушдилар. Бошқача айтганда, улар мансабдорларга кўп ноқулайлик ва ташвиш келтирдилар.

Хўш, бундай "қувғин"нинг асл сабаби нимада ўзи? Бу ўринда юз берган вазиятга ойдинлик киритиши мумкин бўлган бир нечта ҳулосани кўриб чиқишга тўғри келади.

Амалдорлар билан оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ўртасида ўзига хос "муҳаббат" борлиги бизга азалдан маълум. Матбуот ҳукуматни ё қўллайди (кўпинча унинг ноғорасига ўйнайди) ёки унга қарши туради. Ҳозирги вазиятда, ҳукмдорларнинг муносабатига қараганда, юқоридаги нашрлар уларга қарши чиққан. Аввало, кейинги вақтда Тожикистон Республикаси президенти Имомали Раҳмонни матбуот орқали танқид қилиш кучайганини таъкидлаш жоиз. Уни авторитаризм ва уруғ-аймоқчиликда айбламоқдалар. Хусусан, "Пайкон" газетасида Тожикистон социал-демократик партияси етакчиси Раҳматилло Зоировнинг мақоласи босилди. Унда "миллий тараққиётга тўғоноқ бўлаётган шахсга сиғиниш аломатлари" тўғрисида сўз юритилган. Бошқа нашрга берган интервьюсида бу сиёсатчи президентни истеъфога чиқишга чақирган.

"Озодлик" радиосининг Тожикистон бўлими босмахонанинг юқоридаги нашрларни босишдан бош тортган ходимларидан бирининг гапларига таяниб, хабар қилишича, тегишли фармойиш Тожикистон президенти маҳкамасидан келган. У ердагиларнинг фикрича, газеталар "жуда сурбетлашиб кетган". Дарҳақиқат, илгари ҳам маълум даражада мустақиллиқда ажралиб турган айрим оммавий ахборот воситалари президент Имомали Раҳмон очиқдан-очиқ танқид қилинган мақолаларни эълон қилди. Улардан мамлакатда уруғ-аймоқчилик қарор топгани, "Ҳазрати олийларининг (президентга шундай мурожаат қилиш одатга айланди) маслаҳат ва ўгитлари" каби кесатиқлар ҳам ўрин олган.

Табиийки, бундай фикр-мулоҳазалардан сўнг ҳукумат мухолифат билан курашни кучайтиради. Бу саъй-ҳаракатни, ҳатто, оқлаш ва ёқлаш ҳам мумкин. Гўё "қирғиз ҳамкасбларимиз тақдири бизнинг бошимизда ҳам такрорланишини истамаймиз, улар мухолифатга изн беришди ва бу кучлар қонуний сайланган ҳукуматни ағдариб ташлашди" дегандек. Аммо, маърифатли мамлакатларда бундай қилинмайди. Ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий томонларига тегишли ислоҳотларни ўтказиш чораларини кўриш зарур. Фикримизча, бу нодуруст ижтимоий ҳодисаларга қарши холис ҳаракат бўлади.

Афтидан, президентга яқин доирадагилар ислоҳот ўтказишдан кўра, Имомали Раҳмоннинг бошига ҳам Қурманбек Боқиевнинг куни тушиши мумкинлиги ҳақидаги кўплаб башоратларга жиддий эътибор қаратаётган кўринадилар. Тожикистон махсус хизмати расмий Душанбе носодиқликда гумон қилаётган бир неча кишини ҳибсга олди.

Иккинчи сабаб биринчисидан келиб чиқади. Оммавий ахборот воситаларини "ушлаб туриш"нинг иложи бўлмаяпти. Демак, биринчи галда уларни "қонундан ташқари" қилиб қўйиш керак. Шунчаки, қўпол тарзда "бўғиб ташлаш", айниқса, яқинлашаётган сайловлар олдидан, яхшиликка олиб келмайди. Демак, тегишли органлар қўлига шундай қуролни тутқазиш керакки, унинг ёрдамида ўзларига номақбул оммавий ахборот воситаси йўлдан олиб ташлансин. "Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун ана шундай қурол вазифасини ўтади.

Тожикистон журналистлари уюшмаси раиси Акбарали Сатторовнинг таъкидлашича, янги қонун лойиҳаси амалдагисининг ўзгинаси бўлиб, фақат арзимаган ўзгартиришлар киритилган холос. "Ягона янги ибора – бу Интернет сайт, бошқа матнлар амалдаги қонунда қандай бўлса, шундайлигича қолган" деди у.

"Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги янги қонун муҳокамасига бағишланган давра суҳбати иштирокчилари кўпроқ янги лойиҳанинг 7-моддасидан норози бўлдилар. Унинг мазмунига кўра, амалдорлар "шаъни ва қадр-қиммати камситилгани" учун журналистни судга бериш имкониятига эга. Журналистларнинг фикрича, ҳар қандай амалдор шу меъёр асосида мақола муаллифларини, ҳатто, тўғри танқид учун ҳам жиноий жавобгарликка торта олади.

Журналист Рустам Тоҳировнинг айтишича, янги қонун лойиҳасининг айрим моддалари бир-бирини инкор этади. "Масалан, 3-моддага мувофиқ, мансабдорлар журналистларга маълумотлар беришга бурчлилар, аммо, 7-модда уларга бундай қилмаслик имкониятини беради" дейди у. Бошқача қилиб айтганда, бир қўллари билан беришиб, шу заҳотиёқ иккинчи қўллари билан тортиб олишади.

Яна бир гап. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини кузатувчи қандайдир махсус давлат органи ташкил этилиши ҳақида миш-мишлар юрибди. Аммо, бу ҳозирча шунчаки, миш-мишлар холос. Гарчи, шамолсиз дарахтнинг учи қимирламаса ҳам.

Домулложон ЖАББОРОВ.
tjknews.com.

ҲАРБИЙ БАЗАДА ҚЎПОРУВЧИЛИК

Маслаҳатчилар коллегияси австралиялик уч фуқарони Сиднейдаги ҳарбий базада қўпорувчилик акциясини тайёрлашда айбдор деб топди, дея хабар берди Associated Press.

Судланувчиларга энг юқори жазо тайинланиб, умрбод қамоққа маҳкум этилишлари мумкин. Бироқ, шу ишни кўриб чиқаётган Виктория штатининг Олий суди ҳукмни қачон эълон қилишига ҳали аниқлик киритилгани йўқ.

Ушбу жиноий иш юзасидан беш киши айбдор сифатида судга жалб этилди. Аммо, маслаҳатчилар улардан икки нафарини айбсиз деб топди.

2009 йилда Ливан ва сомалилик бир гуруҳ кишилар қўлга олинган эди. Австралиянинг махсус хизмати маълумотларига қараганда, улар Сиднейдаги ҳарбий базага кириб, автомат қуроллар воситасида иложи борича кўпроқ одамларни отиб ўлдиришни мақсад қилишган.

Бундай саъй-ҳаракатлар Австралия ҳукуматини ўзининг мусулмонларга нисбатан муносабатларини қайта кўриб чиқиш ва халқаро коалициянинг Афғонистондаги операцияларида иштирок этишдан тийилишга ундаши лозим.

ЁРДАМНИ ТЎХТАТДИ

Бутунжаҳон банки Кот-д Ивуарга молиявий ёрдам беришни тўхтатиб қўйди. AFP агентлиги банк президенти Роберт Зеллик шуни маълум қилганлиги ҳақида хабар берди.

Мамлакат президенти Лоран Гбагбога сайловдаги мағлубиятини тан олиб, ўз постини бўшатиш юзасидан қўйилаётган талабни Бутунжаҳон банки шу тарзда қўллаб-қувватлади.

Шу йил 28 ноябрда Кот-д Ивуарда президент сайловининг иккинчи тури бўлиб ўтди ва амалдаги президент Лоран Гбагбо ҳам, мухолифат етакчиси Алассан Уаттара ҳам ғолиб бўлганларини эълон қилишди. Уаттара ғалабасини АҚШ ва Европа Иттифоқи, шунингдек, янги ҳукумат бошлиғи Гийом Соро ҳам тан олди.

6 декабрда Европа Иттифоқи агар яқин кунларда мамлакатдаги сиёсий таназзул ҳал этилмаса, иқтисодий жазо қўллашини айтиб, пўписа қилди. 22 декабрга келиб маълум бўлдики, Соро (у Гбагбо президентлиги даврида ҳам ҳукумат бошлиғи бўлган) Лорен Гбагбони сиёсий мухолифларини оммавий қирғин қилишда айблаганлиги маълум бўлди. Аммо, бу айблов расман тасдиқланмаган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда – Суд департаменти)нинг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси юзасидан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади.

1. Умумий шартлар:

Танлов ташкилотчиси – Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш;

танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй) 2010 йил 25 декабрдан ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади.

1) 2011 йил 27 январь куни соат 15.00 дан 18.00 гача –

Ангрен шаҳри, Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон туман, Олмалиқ шаҳри, Юқоричирчиқ туман, Ўртачирчиқ туман ва Паркент туманлари бўйича.

2) 2011 йил 28 январь куни соат 15.00 дан 18.00 гача –

Бекобод туман, Бекобод шаҳри, Бўка туман, Пискент туман, Қуйичирчиқ туман, Оққўрғон ва Чиноз туманлари бўйича.

3) 2011 йил 29 январь куни соат 15.00 дан 18.00 гача –

Чирчиқ шаҳри, Қибрай туман, Бўстонлиқ туман, Янгийўл шаҳри, Янгийўл туман, Зангиота туман ва Тошкент туманлари бўйича танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси, назорат-касса машинаси ва терминаллар мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:
– қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;
– олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;
– охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:
– истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);
– мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
– мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;
– мавжуд яроқли техникаси;
– ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;
– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

– Комиссия номига ариза;
– давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
– савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
– савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йил учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;
– савдо ташкилотида назорат касса машинаси ва терминалларнинг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;
– савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
– савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
– мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 ҳажмдаги рангли фотосуратлар (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
– савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;
– талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
– талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиш мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;
– кўрсатилган хизмат учун чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган)

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса, унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:

Ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, тел.: 253-98-20, 253-14-45) Комиссия ишчи органи – ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан 2011 йил 25 январь кунига қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкларни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов"га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш Комиссияси.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 08.10.2010 йилдаги №12061/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2007 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 278 АА бўлган "HAFEI" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 685 004 сўм. 2. 09.11.2010 йилдаги № 14150/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 10 BG 453 бўлган "Лада 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 885 140 сўм. 3. 08.10.2010 йилдаги № 12064/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1993 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 Е 456 DA бўлган "Ваз-2107" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 684 787 сўм. 4. 08.07.2010 йилдаги № 12057/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 11 F 3897 бўлган "Газ-2410 " русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 845 467 сўм. 5. 05.10.2010 йилдаги № 11742/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1987 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 0252 бўлган "Ваз 21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 117 000 сўм. 6. 08.10.2010 йилдаги № 12066/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 01 J 240 СА бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 814 263 сўм. 7. 04.11.2010 йилдаги № 13813/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1982 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 I 0340 бўлган "Ваз 21013" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 239 926 сўм. 8. 04.11.2010 йилдаги №13817/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 В 042 DA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 689 140 сўм. 9. 05.10.2010 йилдаги № 11745/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 01 В 501 ВА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 000 000 сўм. 10. 08.10.2010 йилдаги № 12047/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 Q 473 DA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 041 987 сўм. 11. 08.10.2010 йилдаги № 12161/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 10 Р 945 АА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 383 280 сўм. 12. 08.10.2010 йилдаги № 12058/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 L 924 ВА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 950 640 сўм. 13. 12.10.2010 йилдаги № 12194/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 D 995 ЕА бўлган "Матиз Бест" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 273 670 сўм. 14. 12.10.2010 йилдаги № 12194/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2006 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 Q 530 АА бўлган "Ваз-21070-120-21" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 868 911 сўм. 15. 04.11.2010 йилдаги № 13804/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 137 ТАА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 537 450 сўм. 16. 04.11.2010 йилдаги № 13812/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 W 622 ВА бўлган "Ваз-2108" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 686 541 сўм. 17. 04.11.2010 йилдаги № 13812/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2010 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 S 514 ЕА бўлган "Нексия Донс" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 18 000 000 сўм. 18. 04.11.2010 йилдаги № 13812/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2001 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 Y 718 АА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 640 426 сўм.

Аукцион савдосига Сирғали тумани СИБ томонидан 10.02.2007 йилдаги № 2143-44/9-сон ижро ҳужжатига асосан, ЖИБ Сирғали тумани суди биноси ҳудудида сақланаётган, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 30 О 4263 бўлган "Ваз 21063" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 2 100 000 сўм.

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 09.02.2010 йилдаги № 10-0909/11628-сон ижро варақасига асосан, 4 кишига мўлжалланган "Мобиль вагон" қўйилмоқда, бош. нархи – 26 015 339 сўм.

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан 26.05.2010 йилдаги 1-3688-сон ижро варақасига асосан, Янгийўл туман Гулбаҳор қ.ф.й., Самарқанд кўчасидаги 198,33 кв.м. ер майдонида жойлашган савдо дўкони, автомойка ва иккита 119,14 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар қўйилмоқда, бош.нархи – 19 800 000 сўм.

Аукцион савдосига Сирғали тумани СИБ томонидан 28.05.2010 йилдаги 10-1007/4016-сон ижро варақасига асосан МЧЖ "Арт Шоу Парк", МЧЖ "Сергели хизмат" ва "Авто Дунё Люкс" корхоналарига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, массив Сирғали-10, Янги Сирғали кўчаси, 3-уйда жойлашган: 1. Блок А маъмурий бино қисми, умумий майдони 25 кв.м. 2. Блок Б маъмурий бино, умумий майдони 152 кв.м. 3. Блок В маъмурий бино қисми, майдони 37 кв.м. 4. 11589 кв.м. ер майдонида жойлашган, жами 14 та навеслар қисми, умумий навеслар майдони 5354 кв.м.дан ташкил топган металл конструкциядан иборат бўлган қурилмалар қўйилмоқда, умумий бош.нархи – 840 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 18.05.2010 йилдаги 10-1005/3385-сон ижро варақасига асосан АЖ "O'ZDASTGOHASBOBUSKUNASAVDO" корхонасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, 7-берк кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 13 789 кв.м. бўлган, умумий қурилиш майдони 4954 кв.м.дан иборат бўлган база бино ва иншоотлари қўйилмоқда, умумий бош.нархи – 1 275 405 200 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 27 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 17 февраль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2010 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Учтепа тумани СИБ томонидан 08.04.2010 йилдаги № 11380/8-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХБга қарашли 2-сонли жарима майдончасида сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. К 291 АВ 73 бўлган "Ваз-2107" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 2 459 284 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан 17.05.2010 йилдаги № 6089-сон ижро варақ. асосан, Тошкент вилояти Тошкент тумани ЖИБ биносида сақланаётган, 1976 йилда и/ч., дав.бел. 11 F 99-22 бўлган "Ваз-2103" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 926 491 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳудудий СИБ томонидан: 1. 03.05.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Низомий кўчасида жойлашган икки қаватли, қурилиши тугалланмаган 12-уй қўйилмоқда, бошланғич нархи – 168 103 571 сўм. 2. 06.03.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Мичурин" далаҳовличилар ҳудудида жойлашган 67-сонли далаҳовли қўйилмоқда, бош. нархи – 289 238 968 сўм. 3. 06.03.2006 йилдаги № 1167/2-сон ижро варақасига асосан, 1994 йилда ишлаб чиқ., дав. бел. М 44-28 бўлган "Хундай Соната" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 9 593 620 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

Утерянную круглую печать частного предпринимателя Азларова Камолхона Акмаловича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 2002 йилда Сулаймонов Зафар Эргашевич номига берилган В 105367 рақамли (рег. № 2610) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "FARZONARAYNET" (ИНН 301304743) Юнусабадского района

ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 307-77-48.

ИП ООО "PROGEN INVESTMENT" (ИНН 205888190, ОКПО 20438454) Мирзо Улугбекского района переименовывается в ИП ООО "CONA INVESTMENT".

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 16.01.2009 йилда № 000657-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DURDONA-R-DIZAYNER" (ИНН 205361279) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган гувоҳнома, устав, таъсис шартномалари, бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 11.03.2009 йилда № 003130-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SAFELY BUSINESS" (ИНН 301094777) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный план дома, расположенный по адресу: г. Ташкент, С. Рахимовский р-н, ул. Карасарайская I-проезд Файзибаланд, дом 61-А, выданный БТИ С. Рихимовского р-на на имя Худайберганова Рустама Матвафаевича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент вилояти Давлат педагогика институти томонидан 2010 йилда махсус сиртқи бўлим мусиқий таълим йўналиши бўйича Эгамқулова Наргиса Расулбердиевна номига берилган В № 508513 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш, ёш иқтидор соҳибаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар кўлами Баркамол авлод йилида янада кенгайди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларидан бир гуруҳининг шеърий ва насрий тўпламлари китоб ҳолида чоп этилгани бунинг яна бир далилидир.

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мазкур китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда адабиётшунослар, шоира ва адибалар, ёш ижодкорлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

ЎзА.

САРОЙДА КЎРГАЗМА

Ёшлар ижод саройида "Келажак овози – 2010" республика кўрик-танлови доирасида миллий ва амалий санъат, архитектура ва дизайн йўналиши иштирокчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тасвирий санъатнинг барча йўналишларини янада ривожлантириш, қадимий ва бетакрор анъаналарини тиклаш, тарғиб ва ташвиқ этиш, ёшларимиз қалби ва онгида санъатга меҳр-муҳаббатни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда барпо этилаётган санъат масканлари ва ўқув муассасалари ёш авлодни санъатнинг сеҳрли оламига ошно этишга, маънавияти ва бадиий дидини юксалтиришга хизмат қилаётир.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика кўрик-танлови тасвирий ва амалий санъатда изланаётган ёшларга ҳам ҳар жиҳатдан кўмак бериш, уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзА.

ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

МУШТ КЕТДИ

Ҳокимликдаги йиғилиш тугаши билан "Офтобхон" агрофирмаси раиси дарғазаб бўлиб, хўжаликка сим қоқди:

– Алло! Бу ким?! Тожибоймисан? Ҳой, Усмончага айт, фермерларни зудлик билан идорага йиғсин! Мажлис бўлади, десин. Нима? Сенга айтаяпман, бошқарув мажлиси бўлади! Гап тамом!

Раис дастакни қўйиб, "уҳ" тортди, пешонасини силаганича, ўтириб қолди.

Ҳозиргина уни обдон «калтаклашди». Ҳосил топшириш суст, кунлик режа бажарилмаяпти дейишди. Вилоятдан келган йигит: "Қариб қолибсиз-а, Аҳмад ака, белингиз майишипти" деб қолса бўладими. Бошқа жойда бўлса-ку, таъзирини берса арзийдиган зумраша ўзи. Қачон бориб қолсанг, идорада хонанишин бўлиб ўтиргани ўтирган. Яна тили бир қарич. Далани четлаб ўтадиган бошлиқ бошлиқми.

Лекин хўжаликда иш орқага кетгани ҳам бор гап. Фермерларга ишониб, тизгинни бироз бўшаштирдингми, аҳвол шу. Ҳозир ҳаммани йиғиб, очиқчасига гаплашади. Бу ерда еган «калтакларини» ҳаммага тегишлича бўлиб беради.

Аҳмадбой машинага ўтирди-ю, хўмрайиб:

– Қишлоққа! – деди.

Шофёр қаттиқ эзғилашибди-да, деб кўнглидан ўтказди-ю, лекин дамини ичига ютди, газни босди.

Йўл бўйи раисдан садо чиқмади. Бошқарув идораси олдида машинадан шитоб билан тушди, йиғилиб турганлар саломига алик ҳам олмай, шаҳд билан ичкари кириб кетди. Уч-тўрт киши шофёрга маъноли тикилди, у елка қисди.

Мажлис чўзилиб кетди. Раис бирин-кетин фермерлар ахборотини тинглади.

– Бугун уч гектардаги картошкани кавлаб қўйдик, – деди Латиф фермер. – Лекин машина бўлмади, жўнатолмадик. Эрматбойни қидириб, учратолмадим.

Боядан бери қовоқ уйиб ўтирган раис тутоқиб кетди:

– Эрматбой?!

– Тополмадим...

Ҳамма энди Усмончага юз ўгирди.

– Ҳой, нотавон, Эрмат механик игнамиди-ки, тополмасанг. Барзангидай одам бўлса! Қарамагансан! Уйига чоп! Ҳозир олиб келасан!

Усмонча ранги бўзарганича, чиқиб кетди. Мажлисда гап қовушмади.

– Эртамертан...

Раис омборчи Замоннинг гапини кесди:

– Гап тамом. Эртага уч процентдан ҳосил топширмаган одам менга йўлиқмасин!

Фермерлар тарқалишди. Раис Эрматбойни кутиб қолди. Бир вақт Усмонча қайтиб келди.

– Эрматбой...

– Топмадингми, ҳой?!

Усмонча ер чизиб қолди. Раиснинг сўкишини эшитиб тураверди. Алламаҳалда Эрматбой кириб келди.

– Қаерда дайдиб юрибсан? – Энди унга ёпишди раис.

– Мен...

– Мен, мен! Гап бўлса, машиналаб ташийсан. Лекин гапинг машина юритмайди. Ишлайсанми ўзи, йўқми? Айт?!

– Ахир...

– Нима? – столга мушт туширди раис. – Гапингдан мағзава ҳиди келади...

Эрматбой "Т" нусха столнинг узоқ чеккасидаги стулга ўтирди-да, раиснинг дағдағаси остида қоғозга ниманидир ёзди. Кейин раисга қоғозни тутқазди-ю, шаҳд билан чиқиб кетди. Раис қоғозга кўз югуртирди: "Агрофирмада 18 та машина бор. Ҳаммаси юриб турибди. Учинчига Қобилжон тайин қилинган эди. Йўлда кеннойи тўхтатиб, келин чорларга, Галақудуққа олиб кетибдилар. Буёғи ўзингизга ҳавола".

Раис бўшашганича, ўтириб қолди.

– Елпиғични айлантир!

Кеч куз, хона салқин эди. Шундай бўлса ҳам Усмонча елпиғични юритиб қўйди. Хонада муздек шабада айлана бошлади.

Жўра САЬДУЛЛАЕВ.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган ҳужжатдир

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклар, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Бироқ шу, модданинг ўзида, эр-хотин ўзининг биргаликдаги мулки тартибини ўзгартириб, эр-хотин ўртасида тузилган шартномали тартибни белгилайди, деб кўрсатилган. Никоҳ шартномаси нафақат эр-хотиннинг мол-мулкини вужудга келтириш ёки унинг ҳуқуқий тартибини ўзгартириш, балки бир-бирини моддий таъминлаш масаласини ҳам тартибга солиши мумкин.

Шунингдек, никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланади. Шартноманинг шартлари келажакда вужудга келиши эҳтимоли бўлган шарт-шароитлар билан ҳам боғлиқ бўлади, шунинг учун шартнома эр ва хотиннинг мавжуд ҳамда бўлғуси молмулкига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Никоҳ шартномасига фақат шундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар киритилиши мумкинки, агар улар бажарилмаса, мажбурий равишда бажартирилади. Шахсий хусусиятга эга мажбуриятлар эса зўрлаб амалга оширилиши мумкин эмас, шунинг учун шахсий номулкий муносабатлар ҳақидаги шартлар никоҳ шартномасига киритилмайди.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама воз кечишга йўл қўйилмайди. Бироқ, никоҳ шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида тарафлар ўзаро келиша олмасалар, улардан бирининг даъвоси билан суд муҳокамасида кўрилиб, ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Қонунларда белгиланган талабларга риоя қилмай никоҳ шартномаси тузилган бўлса, у суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Масалан, никоҳ шартномаси ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлмаган эр-хотин томонидан тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланмаган бўлса ҳамда мажбурлов остида тузилганлиги аниқланса, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Эр-хотин никоҳ шартномасини тузаётгани, уни ўзгартираётгани ёки бекор қилаётгани тўғрисида ўз кредиторларини хабардор қилиши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаган тақдирда эр ёки хотин, никоҳ шартномаси мазмунидан қатъи назар, ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

Афсуски, аксарият фуқароларимиз никоҳ шартномасини келгусида ажралиш чоғида мол-мулкларни бўлишда керак бўладиган ҳужжат деб тушунишади. Бироқ, никоҳ шартномаси ихтиёрий равишда тузилиб, эр-хотиннинг ўзлари ва фарзандларининг моддий таъминотини тартибга солиб, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга, эр ва хотин ҳуқуқларини тенг ҳимоялашга ёрдам беради. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", деб белгилаб қўйилган.

Зуҳра ФАЙЗИЕВА,
нотариус.

Ҳикматлар

- *Қўлинг билан очолмаган кўнгилни дилинг билан оч.*
- *Уйнинг кўрки – дастурхон.*
- *Борини берган уялмас.*
- *Ойга етмас ошингни овулдошингдан аяма.*
- *Ош эгаси билан тотли.*
- *Аввал таом, баъдаз калом.*
- *Келиш изми меҳмондан, кетиш изми – мезбондан.*
- *Меҳмоннинг кетишини сўрама, келишини сўра.*
- *Мушугингни пишт дема, меҳмонга тегади.*
- *Ўз иззатини билган меҳмон яхши.*
- *Яхши меҳмон – уч кунлик.*

Тўпловчи С. ҚАРНОҚЛИ.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети томонидан 1992 йилда Цой Вячеслав Владимирович номига берилган ФВ № 960650 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган "AHMADBEK OTA" хусусий фирмаси мулкчилик шаклини "AHMADBEK OTA" хусусий корхонасига ўзгартирилишини маълум қилади.

Зангиота тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган "USMON OTA" хусусий фирмаси мулкчилик шаклини "USMON OTA" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади

Зангиота тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган "FAYZI-QASSOB" хусусий савдо фирмаси мулкчилик шаклини "FAYZI-QASSOB" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади

Зангиота тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган "OLTIN-TEPA LTD" хусусий фирмаси мулкчилик шаклини "OLTIN-TEPA LTD" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади

Зангиота тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган "RUSTAMBEK OTA" хусусий корхонаси мулкчилик шаклини "RUSTAMBEK OTA" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади

Чиноз туманидаги 40-умумтаълим мактаби томонидан 1991-1992 ўқув йилида Ҳамдамова Нигора Шарифжоновна номига берилган АТ 026668 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 мавзеси, 11-уй, 114-хонадонда жойлашган, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими томонидан 2010 йил 13 апрелда рўйхатга олинган (реестр № 001916-04) "PRO-AQUA.UZ" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 206581527) **ТУГАТИЛАДИ** (мажлис баёни № 2 22.12.2010 й.).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 265-74-99 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утерянное свидетельство об окончании 8-летней вспомогательной школы-интерната № 103 Хамзинского района г. Ташкента, выданное в 1977 г. на имя Лозинского Валерия Анатольевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ИП ООО "TASHTOMLESDREV" (ИНН 206925089), зарегистрированное отделом Государственной регистрации субъектов предпринимательства Министерства юстиции Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Бунедкор, 52-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решением учредителей № 3 от 18.02.2008 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 08.01.2010 йилда № 003884-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ULUG`SHER PLUS" (ИНН 301429721) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные документы частного предпринимателя "AN-SHERZOD" Шайхантахурского района:
- Устав;
- Далолатнома;
- Гувохнома,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Частное предприятие "BAXTI DIYOR MEBEL" Шайхантахурского района (ИНН 301588589), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Самарканд Дарбаза, д. 154-Б.

"PRO-AQUA.UZ" (ИНН 206581527) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 187 918 200 (бир юз саксон етти миллион тўққиз юз ўн саккиз минг икки юз) сўмдан 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўмга камайтирилади. Эътирозлар билан Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳа, 11-уй, 114-хонадонга мурожаат этишингиз мумкин. Тел.: 265-74-99.

Қуйичирчиқ тумани ҳокимияти томонидан "Чорвадор" фермер хўжалиги номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур тумани, Қизил ғунча кўчаси, 30-уйга тегишли Эгамбердиева Хатира номига берилган уй план ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ПАЙИ ҚИРҚИЛГАН «ҲИЖРАТ»

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти қурилиб, энди уни ривожлантириш, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш жараёни кетмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, хусусан уни либераллаштириш борасидаги амалий натижаларни шундай муваффақиятлар сирасига киритиш мумкин.

Миллий қадриятларимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик, ҳаётда адашган юртдошларимизга ўнгланиш учун янги имкониятлар берилиши ҳар йили энг улуғ ва муқаддас байрамимиз – Мустақиллик куни арафасида эълон қилинаётган амнистия актлари моҳиятида ҳам ўз аксини топмоқда.

Лекин афсуски, халқимиз ва ҳукуматимизнинг кечиримлилик фазилатини суиистеъмол қилиб, бундан тўғри хулоса чиқармаётганлар, тузалиш учун берилган имкониятдан фойдаланишни истамаган кимсалар ҳам орамизда топилади.

Бекобод шаҳрида туғилган, 42 ёшли Шаҳобиддин Шомирзаевга ҳам 2001 йилда ахлоқини тузатиши, демократик жамиятимизга нисбатан жиноий қарашларини тўғрилаши учун яхши имконият берилди. Ўшанда унинг конституциявий тузумимизга қарши диний-экстремистик ғоялар тўрига илиниб содир этган ҳаракатлари кечирилиб, 4 йилу 6 ой озодликдан маҳрум этиш ҳақида чиқарилган ҳукм ижро этилмай, амнистия актига асосан жазодан озод этилганди. Надоматлар бўлсинки, Ш. Шомирзаев ўзига билдирилган ишончни оқлай олмади. Ишлаб пул топиш баҳонасида 2006 йилда Россиянинг Ханти Мансийск автоном округига бориб қолди-ю, яна ўзига ўхшаган ақидаси бузуқлар билан топишиб олди. Бу ерда у юртимизда фаолияти тақиқланган "ваҳобийлик" реакцион диний-сиёсий оқимнинг ташкилий тизими бўлган "Жиҳодчилар" диний-экстремистик гуруҳнинг йиғинларида қатнаша бошлади. Гуруҳда у тожик миллатига мансуб Ҳабибулло ва озарбайжон миллатига мансуб Юсуф исмли мутаассиб "соқолтойлар" тимсолида ўзига мафкураси бузуқ диний раҳнамолар топди.

Шомирзаев қатнашган йиғилишларни "дўстлар гурунги" ёки шунчаки мусофирликда топишган диндошлар "гапи" деб аташга одамнинг тили бормайди. Боиси бу каби "гурунглар"да мавжуд дунёвий давлатларга қарши жиҳод қилиш, Ўзбекистонда исломий халифалик давлатини барпо этиш, тинимсиз тарғибот ва даъват йўллари билан жамоат аъзоларини кўпайтириш, гўё ўз юртида "азият чеккан" мусулмонларга ёрдам бериш учун бошқа давлатларга "ҳижрат" қилдириш ҳақидаги одам эшитса эти жимирлайдиган даъват ва чақириқларни тинглаш мумкин эди, холос.

"Ака Ҳабибулло" билан "Юсуф оға" бу билан чекланиб қолишмади. Улар Шомирзаев бошқа ўзбек "биродарларни" ҳам ташкилотга жалб этишини сўраб, уни диний-экстремистик ғояларга йўғрилган видеофильм ва китоблар билан таъминлаб туришди. Тинимсиз томчи тошни тешади, деганларидек, Шомирзаев дўст ва қариндошлари, ҳатто, ўз укасини ҳам – жами 9 нафар бекободлик йўлини танлаш ўрнига яна жиноят ботқоғига ботиб борарди.

Автомобиллар ювиш шахобчаси ва гараждаги "қизғин" диний фаолият Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари диққатини ҳам тортмай қолмади. Россия федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ) Шомирзаевни икки марта идорага чақириб, унинг фаолияти билан йигитларни иш топиб бериш баҳонасида Россияга чақириб олиб, уларнинг онгини заҳарлашга киришди.

"Тирикчилик" илинжида юрган "биродарлар" бирга ибодат қилишар, жиҳодга чақирувчи видеофильмларни яширинча томоша қилишиб, "Ака Ҳабибулло" ва "Юсуф оға"ларнинг даъватлари ила сархуш бўлган ҳолда қалбларида Ўзбекистон ва унинг қонуний ҳукуматига қарши адоват туйғуларини парвариш қилишарди.

Вақт ўтган сари улар ишлайдиган автомобилларни ювиш шахобчаси бир гуруҳ ақидаси бузуқларнинг мафкуравий марказига айланди. Энг қайғулиси, Шомирзаевнинг ҳамтовоқларидан бири – 2002 йилда 12 йилга озодликдан маҳрум этилиб, 2007 йилда амнистия актига асосан жазодан озод этилган Эркин Эралиев ҳам тўғри ҳаёт "қизиқди" ва тегишли "рўйхатга" киритиб қўйди. Бекободлик ишчи "муҳожирларнинг", улар судда гувоҳлик беришича, бошини айлантиришда жиноятларига жазо олишдан қўрқиб, Андижон вилоятидан Россияга қочиб келган "ҳизбчи", ўзини "Жавлон қори" деб атаган шахснинг хизмати айниқса катта бўлган. У Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ақидапарастлик ғояларини тарғиб этиш учун нималар қилиш кераклигини ўзича "жон куйдириб" тушунтирар, бу ишга бошқаларни ҳам тортиш кераклигини уқтирарди.

Шомирзаев қатнашган гуруҳ яна қандай мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўйгани бизга қоронғу. Аммо бир воқеа юз берди-ю, бу гуруҳнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Шомирзаев 2010 йил март ойида паспортини йўқотиб қўйиб, Ўзбекистон элчихонасидан вақтинчалик паспорт олиб, ватанга қайтиб келди. Унинг кирдикорлари эса юртимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига аллақачон маълум эди. Шу йил 2 июнда Шомирзаев, 26 июнда эса Ўзбекистонга дам олиш учун қайтиб келган бутун экстремистик гуруҳ аъзолари қўлга олинди.

Ҳа, жиноят жазосиз қолмайди. Ш. Шомирзаевнинг жиноятлари судда ўз тасдиғини топиб, 13 йилга, Э. Эралиев 6 йилга, қолган гуруҳ аъзолари 3 ва 7 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинишди.

Бир қарашда ҳаммаси ўз жойига тушгандек: Ўзбекистон халқига қарши қаратилган яна бир жиноий фаолиятнинг пайи қирқилди, қонунбузарлар ўз жазосини олди ва ҳоказо.

Аммо, барибир кўнгилда бир савол жавобсиз қолади! Юртбошимизнинг ўзи: «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб турган бўлса, давлатимизда виждон эркинлиги тўла таъминланиб, жумладан, мусулмонларнинг ўз диний эҳтиёжларини қондиришлари учун барча қонуний шароит яратилган бўлса, Шомирзаев каби кимсаларга яна нима етишмади экан? Назаримизда айрим ёт кучлар юртимиздаги тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни кўролмайдилар. Лойқа сувда балиқ яхши овланади, деб бекорга айтишмаган ахир. Аммо бу каби ғаламислар хомтама бўлишмасин. Демократик тамойиллар устувор, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари доимо ҳушёр экан, сувимиз ҳеч қачон лойқаланмайди, аввалгидек покиза ва тиниқ бўлиб қолаверади!

Карим МАТНАЗАРОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

– Ҳали кўрсатиб қўяман, қопқон қўйиш қанақа бўлишини.

caricatura.ru.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ**
Навбатчи **Шоҳруҳ ҲАКИМОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 5282. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1234